(1625-йил, Бухоро - 1702-йил 14 -сентабр)
(1680-1702)

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони. 1651-80-йилларда Балх хокими.Надрмухаммадхон Бухоро хони бўлгач, ўгли Субхонкулихонни Соли Сарой шахри, сўнгра Балх вилояти хокими килиб тайинлайди (1642). Кўп ўтмай у бу лавозимдан олиниб, Кахмердга хоким бўлган. Субхонкулихоннинг акаси Абдулазизхон отасини хокимиятдан четлаштириб, Бухоро хони бўлгач, Субхонкулихон Балхга – отаси хузурига йўл олган. Субхонкулихон Балх вилоятида мустахкам ўрнашиб олиб, 1651-йилда Балх ва Бадахшон хокимлигини кўлга киритган. Субхонкулихон Бухородан мустакил сиёсат юритган. 1658-йилда Абдулазизхоннинг пири Абдулгаффорхўжа воситачилигида Бухоро ва Балх ўртасида тинчликка эришилиб, Субхонкулихон акаси хокимиятини расмий тан олган. Мухаммад Юсуф муншийнинг ёзишича, 1680-йил 2-февралда кексайиб колган Абдулазизхон Субхонкулихонга Бухоро хонлиги тахтини топшириб, ўзи хажга жўнайди. Субхонкулихон марказий хокимиятни мустахкамлаш учун соликлар микдоруини ошириб, кўшинини кўпайтирган. Анушахоннинг вориси Аранг Мухаммадхон 1687-йили Бухорога боскин килганида Субхонкулихон бу хужумни кайтариш билан чекланмай, 1688-йилда ўлдирилган хон ўрнига Хива тахтига ўз ноиби Амир Ниёз эшикўгабоши (Шохниёз)ни ўтказган. Шу тарика Абдуллахон II давридагидек Хива хонлиги яна Бухорога кўшиб олинади ва минтакада ягона ўзбек давлати карор топган. Субхонкулихон даврида Бухоро хонлигининг Шарк давлатлари билан депломатик муносабатлари яхшиланган. Бобурийлардан Аврангзеб 1689-йилда Забардастхон, Усмонли Турк султони Ахмад II 1691-йилда Мустафо човуш бошчилигидаги элчиларни Бухорога жўнатган. 1671-87-йилларда Субхонкулихон билан Аврангзеб ўртасида бир неча марта ўзаро мактублар алмашилган.
Субхонкулихон томонидан Балх ва Бухорода кўплаб меъморий обидалар, жумладан, Балхда мадраса, Бухорода До руш-шифо, Регистонда катта ховуз ; Аркда Салом хона ва жомеъ масжити, шунингдек, Аминободда чорбог курилган. Субхонкулихоннинг тиббиётга оид китоблар жамланган нодир кутубхонаси бўлган. У “Ихё ат-тибби Субхоний” (“Субхоний тиббиёти бўйича даволаш”), “Лубб ул-лавоих ул-камар фил-ихтиёрот” (“Бахтли соатни аниклашда ой манзилларининг мохияти”) номли илмий нужумга оид рисола ёзган. Субхонкулихон “Нишоний” тахаллуси билан шеърлар битиб, саройда ўтказилган мушоираларда ўзи хам шеърлар айтган. Субхонкулихон Бухоро якинидаги Бахоуддин мажмуасидаги Дахмаи шохонда (Абдуллахон II кабри якинида) дафн этилган.